

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«БАНК ВА ЖАМҒАРМА ИШИ» КАФЕДРАСИ

**«Химояга тавсия этилган»
Кафедраси мудири, доц.
_____ Ниёзов З.Д.**

(имзо)

«Банк иши» таълим йўналиши

БИ-207 гуруҳ талабаси Афаков Жалолнинг

**«Муаммоли кредитларни пайдо булиш сабаблари ва уларни
бартараф этиш масалалари. (ОАИТБ «Ипак йули» Умар МФ
мисолида) мавзусида бажарган**

***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ***

**Илмий раҳбар:
доц. Ниёзов З.Д.**

САМАРҚАНД – 2011

Кириш.....

I. Кредит ва унинг ахамияти

1.1. Кредитнинг мохияти ва зарурати.....

1.2. Кредитнинг муддатли турларини таснифлаш.....

1.2.1. Яхши кредитлар.....

1.2.2. Стандарт кредитлар.....

1.2.3. Субстандарт кредитлар.....

II. Тижорат банкида муаммоли кредитларнинг пайдо булиши.

2.1. Муаммоли кредитларнинг пайдо булиш сабаблари.....

2.2. ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида муаммоли кредитларнинг ҳолати.....

2.3. Кредит рисклари ва уларни ҳисоблаш усуллари.....

III. Муаммоли кредитларни бартараф этиш масалалари.

3.1. ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида муаммоли кредитларни бартараф этиш.....

IV. Тижорат банкда меҳнат муҳофазаси.

4.1. ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари.....

4.2. ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида ёнгинга қарши чора-тадбирлар.....

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....

Кириш

Малакавий битирув иши мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзусидаги маърузасида республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини ривожлантиришнинг зарурлигини алоҳида таъкидлаб, шундай дедилар: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарур. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 2010 йилда кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш вазифаси қўйилмоқда”

Ҳозирги даврда банклар кўп сонли ва хилма- хил молиявий хизматлар кўрсатадиган муассасага айланди. Улар орқали иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш операциялари, корхоналарга тегишли мулкларни бошқариш операциялари ва бошқа бир қатор молиявий операциялар амалга оширилмоқда. Бироқ шунга қарамадан кредит операциялари тижорат банклари учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган операция сифатида сақланиб қолмоқда.

Малакавий битирув ишининг максоди ва вазифалари. Амалиёт шуни кўрсатадики, кредит воситасида пулларни оборотга киритиш ҳар қандай ҳолатда мумкин. Нақд пулсиз ўтказмалар шароитида марказий банк ҳам, тижорат банклари ҳам техник жиҳатдан исталган миқдордаги пулни муомалага чиқариши мумкин. Аммо тижорат банкларининг нақд пулни муомалага чиқариш имконияти чекланган. Чунки муомаладаги нақд пул миқдори Марказий банк балансининг пассивидаги мажбуриятлар суммасидан ошмайди ва нақд пулни эмиссия қилиш ваколати фақат Марказий банк зиммасидадир. Марказий банк муомалага чиқарадиган тўлов воситалари унинг балансини актив қисми доирасида амалга оширилади, тижорат

банкларининг имконияти эса, уларнинг ликвидлилигига нисбатан белгиланган талаблар билан чегараланади.

Пул маблағларини кредит сифатида беришда юқорида таъкидлаганимиздек қуйидаги шартларга риоя қилиниши талаб этилади: муддатлилиқ; тўловлилиқ; қайтаришлиқ; таъминланганлиқ ва мақсадлилиқ. Табиийки, мазкур шартларни тўлиқ бажарилиши берилган кредит бўйича рискнинг ошишига йўл қўймайди. Кредитнинг мақсадлилиги унинг мижоз фаолиятининг банкка маълум бўлган ва банк томонидан маъқулланган йўналишига берилишини аниқлатади.

Тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг узок муддатли кредитларга нисбатан қиёсий таҳлилини амалга ошириш қисқа муддатли кредитлаш амалиётининг таҳлилини бойитишга хизмат қилади. Бунинг боиси шундаки, қисқа муддатли кредитлар узок муддатли кредитлардан кредитлаш объекти бўйича кескин фарқ қилади. Бундан ташқари, кредитларнинг муддати бўйича фарқланиши кредитлаш шаклларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Республикамиз тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра кредитлар биринчи ўринни эгаллайди. Бу эса, халқаро банк амалиётида кредитларнинг салмоғи бўйича мавжуд бўлган тенденцияга мос келади. Бунинг устига, кредитларнинг жами банк активлари ҳажмидаги салмоғи 60 фоизга яқин. Мазкур ҳолат ижобий кўрсаткич сифатида баҳоланади. Бу эса банкларнинг кредитлаш амалиётини тўғри ташкил этилганлигидан далолат беради. Халқаро банк амалиётида қабул қилинган андозаларга мувофиқ, кредитлар тижорат банклари активларининг таркибида камида 60 фоизни ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банклари активларининг таркибида кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ҳам юқори бўлган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки кассали активлар даромад келтирмайдиган активлар ҳисобланади.

Республикамиз тижорат банкларида 2002-2007 йиллар мобайнида кредит куйилмалари мутлоқ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Лекин унинг ЯИМдаги салмоғи мазкур давр мобайнида пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади ва иқтисодий банк кредитлари билан таъминлашда муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбатини барқарорлиги муддати ўтган кредитлар муаммосининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак, у ҳолда, барқарор нисбатнинг мавжудлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин Ўзбекистон Республикасида муддати ўтган кредитлар муаммоси мавжуд бўлиб, у узоқ муддатли кредитлар билан боғлиқ. 2007 йилнинг 1 январ ҳолатига, республикамиз тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида муддати ўтган кредитларнинг салмоғи 17 фоизни ташкил қилди.

Малакавий битирув ишининг тадқиқотнинг объекти бўлиб, ОАИТБ «Ипак йули» Умар минтакавий филиалининг кредитлаш амалиёти ҳисобланади

Малакавий битирув ишининг илмий янгилиги:

- ОАИТБ «Ипак йули» Умар минтакавий филиалини муаммоли кредитлари маълумотлари асосида хулосаларни шакллантириш;
- тижорат банклари муаммоли кредитларни тартибга солиш борасидаги тажрибаларини ОАИТБ «Ипак йули» Умар минтакавий филиалини амалиётида қўллаш юзасидан амалий тавсияларни шакллантириш;

Малакавий битирув иши натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, малакавий битирув иши материалларидан иқтисод йўналишидаги олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банклар”, “Банк иши”, “Монетар сиёсат”, “Банк рисклари” ва “Банк стратегияси” фанларини ўқитишда ўқув таркатма материаллар, услубий кулланмалар сифатида фойдаланилиши мумкин.

I. Кредитнинг мохияти зарурати ва унинг аҳамияти.

1.1.Кредитнинг мохияти ва зарурати.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлари иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. 2004 йил 17 июлдан буён республикада банк амалиётида ўрта муддатли кредитлар тоифаси мавжуд эмас. Шу сабабли, тижорат банкларининг бир йилгача муддатга берилган кредитлари қисқа муддатли кредитлар дейилади ва улар хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларини тўлдириш мақсадига берилади. Тижорат банкларининг бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлари узок муддатли кредитлар дейилади ва улар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш мақсадига берилади.

Ўрта муддатли кредитлар тоифасини бекор қилинишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро банк амалиётида кредитларнинг асосан қисқа ва узок муддатли турлари тан олинади.

2. Республикада банк тизимида ўрта муддатли кредитларнинг сезиларли қисми бир неча марта пролонгация қилиниши натижасида узок муддатли кредитларга айланди ва натижада уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда ва таҳлил қилишда қийинчиликлар, чалкашликлар юзага келди.

3. Айрим тижорат банкларида қисқа муддатли кредитларни муддатида қайтарилмаслиги, пролонгация қилиниши натижасида уларнинг муддатини бир йилдан ошиб кетиши, яъни ўрта муддатли кредитларга айланиши юз берди.

Аксарият мамлакатларда, жумладан, Ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида кредитлар муддатига кўра уч турга: қисқа, ўрта ва узок муддатли кредитларга бўлинади. Бунда қисқа муддатли кредитлар жумласига бир йил муддатгача бериладиган кредитлар, ўрта муддатли кредитларга бир йилдан беш йилгача ва узок муддатли кредитларга беш йилдан ортиқ муддатга бериладиган кредитлар киритилади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикаимиз тижорат банклари кредитларининг даражасига баҳо берамиз.

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қуйилмаларининг даражаси ва динамикаси¹

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2010 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариши
Кредит қуйилмалари умумий суммаси, млрд. сўм	3138,3	3553,1	3876,0	4095,4	6374,4	8558,2	11539,3	2,9 марта
Кредитларнинг ЯИМга нисбатан салмоғи, %	31,9	29,1	25,5	19,7	17,3	17,8	17,4	- 14,1

1.1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2004-2010 йиллар мобайнида кредит қуйилмалари мутлақ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Мазкур тенденция республикаимиз банкларининг ресурс базаси ҳажмининг ошиб бораётганлиги билан изоҳланади. Лекин тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг ЯИМдаги салмоғини ушбу давр мобайнида пасайиши кузатилган. Бу эса, салбий ҳолат ҳисобланади ва иқтисодий банк кредитлари билан таъминлашда муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Бундан ташқари, кредитларнинг ЯИМ га нисбатан салмоғининг пасайиши монетизация коэффициентининг амалдаги даражасини оширишга тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодийётига ажратилган кредит қуйилмаларининг ўсиши қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредитлар ўсиши эвазига ўзгаришини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли тижорат банклари томонидан берилган

қиска ва узоқ муддатли кредитларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

1.2 - жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг
муддатига кўра таркиби²**

(фоизда)

	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009	2010 й.
Кредитлар-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумадан:							
- қиска муддатли кредитлар	18,2	18,8	22,4	22,3	21,8	21,6	35,2
- узоқ муддати кредитлар	81,8	81,2	77,6	77,7	78,2	78,4	78,6

1.2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2006-2010 йиллар мобайнида республикамиз банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида қиска муддатли кредитлар салмоғининг пасайиш тенденцияси кузатилди. Ушбу пасайиш тенденцияси мазкур давр мобайнида узоқ муддатли кредитлар салмоғининг ошиб борганлиги билан изоҳланади.

2010 йилда қиска муддатли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2004 йилга нисбатан 3,4 фоизли пунктга ошди. Ушбу ўсиш мазкур давр мобайнида узоқ муддатли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг 3.4 фоизли пунктга пасайганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қуйилмалари ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг юқори салмоққа эга эканлиги хорижий банклар ва молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан катта миқдорда инвестицион лойиҳаларни кредитланганлиги билан изоҳланади. Мустақиллик йилларида йирик миқдордаги хорижий кредитлар жалб қилинди ва ўзлаштирилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртангаз кимё мажмуаси каби йирик объектларни куришда хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг кредитларидан фойдаланилди.

Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг

улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “шу ўринда ўз кредит портфелида 85 фоиздан зиёд узоқ муддатли кредитга эга бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва 71 фоиз ана шундай кредитга эга бўлган “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятини алоҳида қайд этишни истардим. Бундай фаолият бошқа банклар учун ўрнатилган бўлиши лозим”³

1.2.Кредитнинг муддатли турларини таснифлаш

Тижорат банклари кредитларини таснифлаш, улар бўйича захиралар ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 11 февралда тасдиқланган 242-сонли “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби” номли йўриқномага асосан амалга оширилади. Ушуб йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 632-сон билан рўйхатга олинган.

Мазкур йўриқномага Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 20 июнда 632-1-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Мазкур Тартиб "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ва "Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, активларни таснифлаш меъёрлари, тижорат банклари томонидан активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган ва мавжуд йўқотишлар учун ташкил этиладиган захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаб беради.

Ушбу йўриқномага асосан

1. Ссудалар (активлар) бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захира - банк кредит портфели (ёки активлари) ва балансдан ташқари мажбуриятларда юзага келиши мумкин бўлган ёки мавжуд зарарларни қоплаш учун қиймат суммасини ўзида акс эттирадиган банкнинг барча кредитлари (ёки бошқа актив ҳисобварақлари) бўйича зарарларни қоплаш учун ташкил этилган захиралар контр-актив ҳисобварағи.

2. Махсус захира - "стандарт", "субстандарт", "шубҳали" ва "умидсиз" деб таснифланган кредитлар ва лизинг ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиш мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира.

3. Умумий захира - бу захира банк фаолияти бўйича умуман ёки бирор-бир фаолият тури (кредитлаш, инвестициялаш ва б.) бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган. Алоҳида муайян операцияларга доир зарарлар бундан мустасно. "Яхши" кредитлар бўйича йўқотишларга қарши ёки миллий валюта девальвацияси бўйича, захиралар бунга мисол бўла олади.

4. Муддати ўтган ссудалар - қарздор томонидан кредит шартномасида кўзда тутилган тўлаш шартлари ва жадвали бузилган ҳамда асосий қарз ва унга доир фоизларнинг навбатдаги тўлови тўлов муддати етиб келганидан сўнг тўланмаган кредитлар.

5. Реструктуризация қилинган ссудалар - қарздорнинг молиявий аҳволи ёмонлашиши сабабли тўловнинг дастлабки шартлари ўзгарган ссудалар. Агарда банк томонидан қуйидаги амалларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси бажарилса, ссуда реструктуризацияланган ҳисобланади:

- фоиз ставкасининг камайтирилиши ёки ҳисобланган фоизларнинг ундириб олинмаслиги;
- жами асосий қарзнинг камайтирилиши ёки ундан воз кечилиши;
- кредитни тўлаш муддатининг кечиктирилиши ёки узайтирилиши;
- фоизларга доир тўловларнинг бир қисми ёки умумий миқдоридан воз кечиш;

– оддий шароитларда қарздорга берилмай, балки кредитни реструктуризациялаш зарурлиги натижасида қилиниши мумкин бўлган бошқа ён беришлар.

Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибида фоиз ўстирилмайдиган кредитлар, яхши таъминланмаган кредитлар, Қисман таъминланган кредитлар, таъминланмаган кредитлар тушунчаларига таъриф берилди.

Фоиз ўстирилмайдиган кредитлар (активлар) - белгиланган тартибга мувофиқ фоизлар ҳисобланиши тўхтатиладиган кредитлар (активлар).

Яхши таъминланган кредитлар - қимматли қоғозлар бозорида баҳоланадиган мулк ёки кредитнинг асосий суммаси ва унга доир фоизларни тўлиқ қоплаш имконини берадиган миқдорда банк депозитлари кўринишидаги гаров билан таъминланган кредитлар.

Қисман таъминланган кредитлар - "яхши таъминланган кредитлар" мезонига мувофиқ келмайдиган таъминот. Хусусан, уларга доир тақдим этилган гаров қиймати кредит суммаси ва унга доир фоизларнинг 100 фоизидан, шунингдек гаровни сотишда кўзда тутилаётган харажатлардан кам (эълон қилинган гаров қийматидан қатъи назар) ёки эълон қилинган қиймат бўйича гаровнинг сотилиши шубҳа туғдирадиган кредитлар.

Таъминланмаган кредитлар - бирор-бир таъминотсиз берилган ссудалар. Одатда бундай ссудалар қарздорнинг кучли тушумлари потенциали ёки унинг яхши кредит тарихи асосида берилади. "Таъминланмаган кредитлар"га, гаров белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган кредитлар ҳам киради.

Мазкур йўриқномага асосан банк активлари қуйидаги тартибда ва тоифалар бўйича таснифланади:

1. 2.1. Яхши кредитлар.

Ушбу активлар бўйича қарзларнинг ўз муддатида тўланиши шубҳа туғдирмайди. Қарз олувчи молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади, у етарли миқдорда капиталга, юқори даромадлилик даражасига ҳамда барча мавжуд мажбуриятлар, жумладан, мазкур қарзни қондириш учун етарли пул маблағлари оқимига эга. Қарз олувчи амалда бажариладиган, жумладан, бозорда рақобатлаша олиш, яхши маҳсулот ишлаб чиқаришга доир стратегик режани тақдим этади ва ўз маҳсулотлари учун маркетинг режасига эга бўлади. Қарздор мавқеини баҳолаш кредитга доир тўловлар тарихи, гаровнинг бозорда сотилиши (мулк ва кўчмас мулк, кафолат) каби омилларни ўз ичига қамраб олади. Гаров "яхши таъминланган" кредит мезонларига мос келади. Гаров амалдаги қонунчиликка мувофиқ нотариал жиҳатдан пухта тасдиқланган бўлиши ва зарур ҳолларда тегишли мулк битимини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатга олинishi лозим. Банк кредит қайтарилмаган ҳолда чекловларсиз ва эркин равишда уни гаров ҳисобидан ундириб олиши мумкин. Таъминотга доир тақдим этилаётган барча ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши керак.

"Яхши" деб таснифланган кредитларда улар қайтарилмаслиги аломатлари бўлмайди. Фоизлар муддати ўтган ссудалар "Яхши" деб таснифланиши мумкин эмас.

1.2.2. Стандарт кредитлар.

Стандарт тоифага киритилган активлар берилишида иккиламчи тўлов манбаси (кафолат ёки гаров билан) пухта таъминланган бўлиши лозим. Умуман олганда қарздорнинг молиявий аҳволи барқарор ҳисобланади, лекин айрим ноқулай вазиятлар ёки йўналишлар мавжуд бўлиб, агарда улар бартараф этилмаса, қарздорнинг кредитни ўз вақтида тўлаш қобилиятига нисбатан шубҳа уйғониши мумкин. Шу билан бирга молиявий аҳвол ёки гаровни назорат қилиш борасида бир мунча шубҳалар бўлиши мумкин. Кредит ҳужжатларида етарлича ахборот бўлмаган ёки гаров таъминоти бўйича ҳужжатлари бўлмаган "Яхши" кредитлар (активлар) ҳам "Стандарт" активлар сифатида таснифланиши мумкин. Тўланмаган фоизлари янги

кредитга айланадиган (капиталлаштириладиган) кредит ҳеч бўлмаганда "Стандарт" актив сифатида таснифланиши зарур. Қисқа вақт мобайнида (30 кунгача) кечиктирилган кредитлар "Стандарт" активлар сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Бироқ, кечиктирилиш мақоми активнинг таснифланишини баҳолашда асосий омил бўлмаслиги лозим. "Стандарт" сифатида таснифланган активлар бўйича банк қайтарилмаган асосий қарз суммасининг 10 фоизи миқдоридан зиёд бўлиши шарт.

1.2.3. Субстандарт кредитлар.

Субстандарт кредитлар аниқ ифодаланган камчиликлар белгиларига эга бўлиб, бу ҳолат дастлабки шартномага мувофиқ қарз қайтарилиши шартларининг бажарилишига шубҳа уйғотади. "Субстандарт" сифатида таснифланган кредитларда қарз тўлашнинг дастлабки манбаи қарзга хизмат кўрсатиш учун етарли даражада бўлмайди ва банк қарзни қайтариш учун қўшимча манбалар (гаровдан ундириш ва қарздор томонидан ссуда қайтарилмаганда гаровни сотиш, асосий фондларни сотиш сингари манбалар)ни қидиришга мажбур бўлади, Шунингдек субстандарт активлар ишончли жорий молиявий аҳвол ва қарз олувчининг тўлов қобилияти билан ҳимояланмаган. Субстандарт активлар одатдагига нисбатан қониқарли жорий молиявий ахборотнинг йўқлиги ёки гаров ҳужжатларининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлган таваккалчилик даражаси анча юқори бўлган кредитларни ифодалайди. Улар бўйича фоизлар ёки асосий қарз 30 кундан ортиқ муддат давомида кечиктирилган таъминланмаган кредитлар, ҳеч бўлмаганда, субстандарт сифатида таснифланиши зарур, шунингдек, 90 кундан ортиқ муддат давомида кечиктирилган таъминланган кредитлар ҳам субстандарт сифатида таснифланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини ташкил қилишда тўрт тоифадаги кредитлар ҳисобга олинади ва улар бўйича қуйидаги ставкаларда захира ставкалари ташкил қилинади:

- стандарт кредитлар – 10%;
- субстандарт кредитлар – 25%;
- шубҳали кредитлар – 50%;
- умидсиз кредитлар – 100%.

Кўпчилик ривожланаётган давлатларда овердрафт усулида кредитлаш ривож топмади. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам миқозларни овердрафт усулида кредитлаш амалда мавжуд эмас. Бу эса, табиийки, кредитлашни ушбу шакли бўйича ҳеч қандай амалий тажрибани мавжуд эмаслигини англатади.

II. Тижорат банкида муаммоли кредитларнинг пайдо булиши.

2.1. Муаммоли кредитларнинг пайдо булиш сабаблари

Тижорат банклари кредит портфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган мўътадлилик даражаси 3 фоизни ташкил қилади. Унинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси эса, 5 фоиздан ошмаслиги лозим.

Агар бу кўрсаткичнинг даражаси 3 фоиздан ошса, бу ҳолат банкнинг кредит портфелини сифат даражасини ёмонлаша бошлаганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг камайишига олиб келишини англатади.

Гарчи кредитлар бўйича ҳосил қилинган заҳиралар кредит рискларининг амортизатори вазифасини бажарсада, банкнинг тўловга қобиллигига тўғрдан-тўғри хавф солади. Чунки кредитларнинг юқори рисклилик даражаси банкнинг ўз маблағларини маълум қисмини йўқотилишига олиб келиши мумкин⁴.

Бизнинг фикримизча, муддати ўтган кредитлар ва кредит рискига қарши ҳосил қилинган заҳиралар тўғрисидаги мазкур фикр республикаимиз банк амалиётидаги реал воқеликни ўзида мужассам эттирган.

Муддати ўтган ссудаларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш соф кредитлар кўрсаткичидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бизга маълумки, соф кредитлар деганда «брутто» кредитларнинг заҳира ажратмалари суммасига камайтирилган қисми тушунилади. Соф кредитлар ҳақиқатда ҳаракатда бўлган, яъни фоиз келтираётган кредитларнинг миқдорини кўрсатади. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмаларининг миқдори эса, ишламаётган, яъни ҳаракатда бўлмаган кредитлар миқдорини билдиради.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик даражаси юқори бўлиб, 2007 йил 1 январ ҳолатига кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг умумий ҳажми ЯИМга нисбатан 2,7 %га тенг бўлди, банк активларига нисбатан эса 7,9%га тенг бўлди.⁵ Бундай ҳолат эса, банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга, яъни банкнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга, банк кредит ресурсларининг айланишига салбий таъсир кўрсатади.

2.4 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қуйилмалари ҳажми ва унга таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариши⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар						2009 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариши
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	
Кредит қуйилмалари ҳажми, млн. сўм.	3409,8	3853,3	4104,0	4757,4	6374,4	8558,2	2,0 марта
Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг ўртача йиллик даражаси, %	18,8	16,0	14,0	14,0	14,0	14,0	-13,1 ф.п.
Сўмда берилган қисқа муддатли кредитларнинг ўртача тортилган йиллик фоиз ставкаси, %	21,2	18,8	19,4	18,5	16,4	15,9	- 11,7 ф.п.
Сўмда берилган узок муддатли кредитларнинг ўртача тортилган йиллик фоиз ставкаси, %	17,6	14,9	16,4	15,5	16,4	15,9	- 8,1 ф.п.
Сўмдаги муддатли депозитлар бўйича мажбурий захира ставкалари, %	18,0	15,0	15,0	13,0	15,0	15,0	- 5,0 ф.п.

1.4-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2003-2009 йиллар мобайнида республикада тижорат банклари кредит қуйилмаларининг ҳажми мутлак

суммада ўсиш тенденциясига эга бўлган. Мазкур тенденция шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:


– 2003 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги учун тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитлар фоиз ставкаларининг пасайиш тенденциясининг юзага келганлиги ҳамда 2007, 2008 йилларда узоқ муддатли кредитлар ўртача тортилган фоиз ставкасининг сезиларли даражада пасайганлиги;

– 2003-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг муддатли депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаларининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги туфайли тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш имконияти вужудга келди, яъни мажбурий захира ажратмаларининг миқдори сезиларли даражада камайди, кредит ресурсларининг мультипликатив кенгайиши юз берди. Шунингдек, мажбурий захира ставкаларининг даражаси пул базасига, у орқали пул мультипликаторига бевосита таъсир кўрсатади.

2002-2005 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари муддати ўтган кредитларининг кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлди. 2006 йилда ҳам бу кўрсаткичнинг даражаси юқори бўлди. Мазкур ҳолатлар республикамизда муддати ўтган кредитлар муаммосининг чуқурлашганлигидан далолат беради ва иктисодиётнинг реал секторини кредитлашга салбий таъсир кўрсатади. Лекин 2006 йилда муддати ўтган кредитлар салмоғи кўрсаткичи 2005 йилга нисбатан пасайиш суръатига эга бўлди. Бу эса, узоқ муддатли инвестицион кредитларнинг қайтарилаётганлиги билан изоҳланади. Ушбу банкларда қайтарилиш муддати ўтган кредитлар салмоғини баҳоловчи кўрсаткичнинг даражаси 3 фоиздан ошмайди. Буни эса, қўйилган талаб даражасидан ошмаган деб баҳолаш мумкин.

Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш босқичида кредит қўйилмаларининг ўсиши миллий валюта қадрининг пасайишига олиб келмаслиги сабаби шундаки, мамлакатимиз иқтисодийнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрдан паст даражада ҳисобланади. Маълумки, миллий иқтисодийнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини кўрсатувчи асосий кўрсаткич бўлиб, монетизация коэффиценти ҳисобланади.

Қайта молиялаш ставкаси, инфляция ва монетизация коэффицентининг 2004-2010 йиллардаги динамикаси, %



2.2. ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида муаммоли кредитларнинг ҳолати

2009-2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари муддати ўтган кредитларининг кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлди. 2009 йилда ҳам бу кўрсаткичнинг даражаси юқори бўлди. Мазкур ҳолатлар республикада муддати ўтган кредитлар муаммосининг чуқурлашганлигидан далолат беради ва иқтисодийнинг реал секторини кредитлашга салбий таъср кўрсатади. Лекин 2009 йилда муддати ўтган кредитлар салмоғи кўрсаткичи 2008 йилга

нисбатан пасайиш суръатига эга бўлди. Бу эса, узоқ муддатли инвестицион кредитларнинг қайтарилаётганлиги билан изоҳланади. Чунки республикаимиз тижорат банклари муддати ўтган кредитларининг 98,9%и ТИФ Миллий банкининг ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга муддати ўтган кредитлар салмоғи ДАТ “Асака” банкида бошқа банкларга нисбатан юқорирок. Бу албатта банклар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ва имкон қадар унинг салмоғини камайтириш ҳамда тугатиш чораларини кўриш лозим.

ОАТ “Агробанк”да таҳлил қилинган давр мобайнида қайтарилиш муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қуйилмалари ҳажмидаги салмоғи 2002-2004 йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга бўлган.

2005 йилдан бошлаб ОАТ “Агробанк”да муддати ўтган кредитлар муаммосини ҳал қилишга мувафақ бўлинган.

ОАТ “Агробанк” кредит портфелида саноат, қишлоқ хўжалиги ва моддий-техника таъминоти тармоқларига берилган кредитлар юқори салмоқни эгаллайди. Гарчи моддий-техника таъминоти алоҳида тармоқ ҳисоблансада, лекин у қишлоқ хўжалигининг моддий техника таъминоти билан боғлиқ. Шу сабабли, қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашуви моддий техника таъминоти корхоналарининг молиявий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади.

Кредитларнинг асосий қисми бир – бири билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларга жойлаштирилган. Хусусан, “Агробанк” томонидан кредитлар қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи «Ўзпахтасаноат», “Ўзагромашсервис”, “Қишлоқхўжаликқимё” ХАЖлари ҳамда “Ўзбек ипаги” уюшмалари ва улар тизимидаги корхоналарга ажратилган.

2005 йил давомида “Пахтасаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналарга жами 31,2 млрд. сўм, “Ўзагромашсервис” уюшмаси тизимидаги корхоналарга 21,5 млрд. сўм, “Қишлоқхўжаликқимё” тизимидаги ташкилотларга 11,4 млрд.

сўм ва “Ўзбек ипаги” уюшмаси тизимидаги корхоналарга 1,6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган⁷.

Бизга маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга бўлиб, об-ҳавони ёмон келиши оқибатида мўлжалланган ҳосил етиштирилмаслиги мумкин. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш режаларини бажара олмайдилар. Бу эса, ўз навбатида, ушбу корхоналар томонидан олинган банк кредитларининг қайтмаслик эҳтимолини кучайтиради.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона хом-ашё етказиб берувчи корхонага боғлиқ қолмаслиги керак. Агар хом-ашё етказиб берувчи корхоналар кам бўлса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонанинг иши секинлашади ва хом-ашё монопол нарҳда сотиб олинади, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи қимматга тушиб кетади ва натижада баҳоларнинг ошиши сабабли маҳсулотга талаб камаяди. Бу ҳам корхоналар олган кредитларини қайтарилмаслик рискинни оширади.

Кредитлаш жараёнларида Банк кредит қўмиталарининг, айрим ҳолларда, ўз ваколати ва вазифасига совуққонлик ва маъсулиятсизлик билан қараш ҳоллари юз бермоқда. Бу омил тижорат банклари кредит бериш механизмининг асосий боғловчи ва муҳим элементидир. Бошқачароқ қилиб айтганда, айнан кредит қўмитаси кредит бериш жараёнида ҳал қилувчи ролни бажаради. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит комиссиясининг 1995 йил 10 июль 1210-76-сонли мажлис баённомасига асосан, республика Марказий банки томонидан тайёрланган “Кредит қўмитаси тўғрисида”ги Низом талабларини ҳозирда тижорат банклари кредит қўмиталари томонидан амалда фақатгина расмийчилик юзасидангина бажариш ҳоллари ҳамон учраб турмоқда.

Мазкур Низом талабига кўра, кредит қўмиталари унга кредит ноziри томонидан тақдим этилган кредит йиғма жилдидаги ҳужжатларни тўла таҳлил этгачгина қарор қабул қилишлари, қарор қабул қилганда ҳам юз фоиз

овоз берилгандагина кредит бериш учун қарор қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Афсуски, айрим тижорат банкларида кредит қўмитаси мажлислари ўтказилмай, расмийчилик учун тузилган баённомаларга имзо қўйиш ҳоллари ҳамда қўмита аъзолари юз фоиз овоз бермаган ҳолларда ҳам кредит бериш юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Айнан шундай ҳолатлар ҳам муаммоли кредитлар миқдорини янада ошишига олиб келмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, охириги йилларда республика тижорат банклари кредит қўйилмалари таркибида муддати ўтган кредитлар салмоғи ошиб бормоқда. Масалан, ўтган йил бўйича муддат ўтган кредитларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу 9,5 фоизни ташкил этган. Бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланиб, банк тизимига ўз таъсирини кўрсатади.

Кредитлаш амалиётига тижорат банклари ходимларининг кредит олувчи хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этиш учун малака ва тажрибасининг етишмаслиги ҳам таъсир кўрсатади. Бу шубҳасиз, муаммоли кредитларни ва кредит маблағларини ўз вақтида унмаслик ҳолатини вужудга келтирувчи бош омиллардан биридир. Чунки хўжалик субъектлари билан амалий ишлаш тажрибасига эга бўлмаган банк ходими томонидан тайёрланган кредит йиғма жилди доимо қўшимча назоратни талаб этади. Лекин банкларда хизмат турларининг кўплиги ва энг асосийси, хўжалик субъектлари билан ишлашда амалий тажрибаси бўлмаган ходимларга мураббийлик қилувчи устоз ходимларнинг етишмаслиги натижасида малака ва тажрибасиз ходимлар хулосаси асосида молиявий аҳволи ночор бўлган корхоналарга кредит бериш ҳолатлари юзага келмоқда. Чунки, хўжалик субъектлари билан ишлашда малака ва тажрибаси бўлмаган ходимлар кредит олувчининг ҳисоботларини таҳлил этишда кўпроқ компьютерга жойлаштирилган дастурлардан фойдаланадилар. Бу эса, кўпинча кредит олувчининг молиявий аҳволини тўлиқ ва тўғри баҳолаш имконини бермайди.

Мижозлар томонидан кўпинча ўзларининг кредитга лаёқатлилиқ

даражасини юқори қилиб кўрсатиш мақсадида ҳисоботлардаги кўрсаткичларни асоссиз ўзгартириб тақдим этиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Компютер банк ходимлари ишини анча енгиллаштирди. Лекин компютер инсон меҳнатининг маҳсули эканлигини унутмаслигимиз керак. Чунки компютердаги дастурлардан онгли равишда фойдаланилган тақдирдагина иш унумли бўлади.

Банк ходимлари корхонанинг баланс ҳисоботлари тўғри тузилганлигини аниқлаганларидан сўнггина компютер дастуридан фойдаланишлари зарур. Лекин банк ходимлари баланс ҳисоботларидаги кўрсаткичларнинг ҳаққонийлигини, актив ва пассив қисмдаги қийматларнинг ўзаро боғланиш асосларини текширмай туриб, компютер дастурлари орқали корхонанинг тўлов қобилиятини, кредитга лаёқатлилигини аниқлайдилар. Натижада, корхона томонидан ҳаққоний бўлмаган кўрсаткичлар асосида тақдим этилган ҳисоботларнинг таҳлил натижасига кўра кредитга лаёқатлилиги уларни биринчи ёки иккинчи синф тоифасига киритилишига олиб келмоқда. Банк ходими эса, компютер дастурида аниқланган натижалар асосида кредит кўмитасига ижобий хулоса беради. Кредит кўмитаси ҳам банк кредит нозирининг мазкур хулосасига таянган ҳолда кредит бериш юзасидан ижобий қарор қабул қилади. Натижада, банк кредити аслида молиявий аҳволи қониқарсиз ёки ночор бўлган хўжалик субъектига «ишонч» асосида ёки ноликвид таъминот асосида берилади. Демак, берилаётган кредит мижозга расмийлаштирилаётган давридаёқ муаммоли кредит мазмунига эга бўлади.

Кредитлаш амалиётини ривожланишига таъсир қилувчи яна бир сабаб, тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат вазифалари тақсимотини тўғри ташкил этилмаганлигидир. Банк муассасалари банклараро рақобатда нафақат ўз ўрнини сақлаб қолиш, балки етакчи банклар қаторидан жой олиш мақсадида шунингдек, мижозлар кўнглига қараш мақсадида, деярли кун бўйи уларга хизмат қилиш тартибини жорий этмоқдалар. Натижада, кун бўйи мижоз топшириғи билан банд бўлган

кредит бўлинмаси ходимларини мижозларнинг хўжалик-молиявий фаолиятини таҳлил этиш билан шуғулланишга вақт ажратиши қийин кечмоқда. Бу эса, банк учун мижознинг хўжалик-молиявий фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаслик ҳолатини келтириб чиқармоқда. Банкнинг мижозни хўжалик – молиявий фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмай туриб, мижозни кредит маблағи ҳисобига ишлаб чиқарган ёки ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотига талаб даражасини ўрганиб чиқмасдан, маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватини таҳлил этмай туриб кредит бериши, албатта, муаммоли кредитлар вужудга келишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Биз фаолиятини урганган ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида кредитлаш жараёнларини фаолиятини урганиш шуни курсатдиким, банк мижозларнинг мумаоли кредитлари йуклиги аникланди, чунки юкорида кайд этилган ҳолатлар борасида банк раҳбарияти ва ходимлари бу борада жуда масулият билан ёндошишмоқда, буни биз куйидаги булимлар мисолида яна бир бор куриб чиқишимиз мумкин.

2.3. ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида кредит рисклари ва уларни ҳисоблаш усуллари

Банкнинг кредит фаолият, уни бошқа банк бўлмаган ташкилотлардан фарқловчи асосий мезонлардан биридир. Жаҳон амалиётида айнан кредитлаш билан банк фойдасининг талайгина қисми боғлиқ. Шу билан бир вақтда, кредитларнинг, асосан, йирик кредитларнинг қайтарилмаслиги, банкнинг синишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд рискларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит рисклари, уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Кредит рисқи деб, қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги, яъни кредит суммасининг (қисманёки тўлиқ) ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги. Шунинг учун кредит рискларини аниқлаш ва бошқариш ҳар қандай тижорат банкининг ривожланиш ва тараққий этиш мақсадига эришиш учун ишлатиладиган кураш усулларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Қарз олувчи фаолиятида мавжуд рисклар даражасини кредитор кредит бергунга қадар, кейинчалик кредит бергандан кейин, ундан фойдаланиш давомида аниқлаш мумкин. Рискни минималлаштириш мақсадида кредитор кредит беришдан олдин рискни аниқлашга ҳаракат қилади.



Кредит муносабатларида кредиторлар кредитга ёки қарзга берилган сумманинг ўз вақтида қайтиб тўланишини ва мўлжалланган фоиз ставкаларини белгиланган вақтда олишни кутадилар. Улар рискдан қочадилар, кредит беришгача у билан боғлиқ риск даражаси билан қизиқадилар, уни аниқлайдилар ва ўзлари учун риск даражаси минимал бўлган ҳолларда кредит ажратиш тўғрисида ижобий хулоса қабул қиладилар. Лекин кредитор томонидан кутиладиган натижа ҳар доим ҳам у ўйлаганидек бўлмаслиги мумкин.

Молиявий активларни бошқаришда кредит риски банк учун муҳим ҳисобланади. Банк мижозлари бешта гуруҳга булинади. Банкнинг ички

рейтинг шкаласи хар бир гурух рейтинги учун аниқланади. Рисклар бир гурухдан иккинчисига ўтади.

ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида банкнинг ички баҳолаш услуги:

Яхши	Қарзларни ўз вақтида қопланиши активлар учун шубҳа келтирмайди. Қарздор банк учун молиявий устун ҳисобланади. Етарли капиталга эга, даромадлилик даражаси етук ва етарли барча мажбуриятлар учун етарли пул айланмасига эга бўлади.
Стандарт	Стандарт кредитларнинг таъминланганлик даражаси кучли булади. Мижознинг молиявий ахволи стабил ҳисобланади. Лекин кредитни ўз вақтида қоплаш даражасига озгина шубҳа бўлади. Яхши кредитлар тулик маълумотга эга булмаса ёки таъминоти етарли даражада булмаса стандарт кредитлар деб юритилиши мумкин .
Субстандарт	Субстандарт кредитлар яққол камчиликларга эга булади. Яъни кредитнинг дастлабки қопланишида шубҳа пайдо булади. Ушанда банк субстандарт кредитлар учун иккинчи қоплаш манбасига ўз фаолиятини йуналтиради.
Шубҳали	Шубҳали кредитлар бу шундай кредитки барча камчиликларга эга. Субстандарт кредитга нисбатан тулаш қобилияти йўқолади.
Умидсиз	Кредитнинг бу тури жуда паст курсаткичага эга бўлиб, ликвидлик маблаглари кам булади, у ноликвид балансга эга бўлиб молиявий ҳолати ночор қорхона деб қаралади.

*Қуйида ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида кредит
рискини камайтирувчи махсус услублар келтирилган:*

а) Таъминот. Банк ушбу методдан кредит рискин камайтириш учун фойдаланади. Уларнинг ичида энг оммалашгани берилаётган кредитга гаров олиш хисобланади. Банк ўзининг кредит рискини камайтириш учун мухим йўналишларини белгилайди. Қуйида кредит таъминотини асосий кўринишлари келтирилган:

- Кафолат хати;
- Кўчмас мулк;
- Сугурта полиси;
- Асбоб ускуналар;
- Товар-материал захираси;
- Депозитлар;
- Турар-жой объектлари;
- Мебеллар.

Узок муддатли қимматли қоғозлар ғазна облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлар одатда таъминот бўла олмайди.

б) Лимитлар. Банк алохида миждозлар учун кредит лимитларини белгиловчи кредит қўмиталарини яратади:

- Бош офиснинг кредит қўмитаси биринчи даражали капиталнинг 25%игача бўлган лимитларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди.
- Банк филиалининг қўмитаси эса 50 млн. сумгача бўлган лимитларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

в) Кредит рискига олиб келувчи молиявий активларнинг таркиби. Банк бошқаруви рискларнинг таркибига эътибор қаратади:

- Савдодан ташқари битта иқтисодий секторга берилган кредитнинг умумий суммаси банкнинг биринчи даражли капиталидан ошиб кетмаслиги керак.
- Бир ёки бир гуруҳ мижозларга берилган кредитнинг максимал даражаси банк биринчи даражали капиталининг 25%идан ошмаслиги зурур.
- Таъминланмаган кредитнинг максимал даражаси банк биринчи даражали капиталининг 5%идан ошмаслиги зарур.
- Барча катта кредитлар умумий суммаси банк биринчи даражали капиталининг 8 баробаридан ошмаслиги керак.

III. Муаммоли кредитларни бартараф этиш масалалари

3.1. ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида муаммоли кредитларни бартараф этиш

1. ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида муаммоли кредитларни бартараф этишда муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш мақсадида:

– банк томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда бизнес-режалардаги кўрсаткичларнинг ишончли эканлигини текшириш ва уларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим;

–ўзини оқламаган лойиҳаларга берилган кредитларнинг гаров таъминотини сотишни тезлаштириш ва бошқа таъминот объектлари реализацияси ижросини таъминлаш;

–муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг 5 фоиздан ошмаслиги хусусидаги талаб алоҳида кўрсаткич сифатида банкнинг кредит сиёсатида белгилаб қўйилиши ва унга риоя қилиш устидан мониторинг ва назорат Банк Бошқаруви ва Кенгаши томонидан доимий равишда олиб борилиши лозим.

2. «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида ходимларининг кредит олувчиларнинг молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларининг ишончлилигини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш борасидаги билим ва малакаларини оширишни таъминлаш асосида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим.

Республикамиз тижорат банклари кредит инспекторларининг корпоратив бухгалтерия ҳисобини яхши билмасликлари улар томонидан амалга оширилаётган молиявий таҳлилнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки инспектор корпоратив ҳисобни яхши билганидагина мижоз томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботлардаги

маълумотларнинг ишончли эканлигини текшира олади.

Республикамиз тижорат банклари барқарор пул оқимига эга бўлган мижозларни алоҳида ажратиб олишлари ва уларнинг кредит тўлов қобилиятини аниқлашда пул оқимини баҳолаш усулидан фойдаланишлари лозим. Барқарор пул оқимига эга бўлмаган мижозлар алоҳида ажратиб олиниб, уларнинг кредит тўлов қобилияти молиявий коэффициентлар усули орқали аниқланиши зарур.

Барқарор пул оқимига эга бўлган мижозларни кредитни ўз вақтида тўлай олиш қобилияти юқори бўлганлиги сабабли, уларни кредитлаш жараёнидаги рискларнинг даражаси нисбатан паст бўлади. Аммо пул оқими беқарор бўлган мижозларнинг кредитни қайтариш қобилиятини молиявий коэффициентларни комплекс қўллаш орқали аниқ баҳолаш мумкин.

3. Кредит ҳужжатларини тижорат банкининг Кредит қўмитасида кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш лозим.

Тақдим этилган кредит ҳужжатлар йиғмажилди қўмита мажлисида кўриб чиқилишидан аввал, қўмита аъзоларининг мазкур субъектни кредитлашга доир ёзма хулосаси берилиши лозим. Қўмита аъзоларининг 2 та аъзоси хулоса бермаган тақдирда мазкур субъектга кредит бериш масаласи аъзолардан тўлиқ хулоса олингунга қадар қўмита йиғилишига киритилиши мумкин эмас. Лекин бу муддат 3 кундан ортиб кетишига йўл қўймаслик лозим.

4. тижорат банкнинг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларининг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

биринчидан, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик зарур; иккинчидан, кредитлар фоиз ставкаларининг кескин тебрашининг олдини олиш лозим; учинчидан, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига

кўра, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси 5 % ҳисобланади.

Тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг бекарорлиги кредитларнинг даромадлилигига салбий таъсир этади. Шу сабабли, Марказий банк тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш масаласини ўзининг муҳим вазифаларидан бири сифатида эътироф этиши зарур.

5. Пул базасининг кредит мультипликаторига таъсир даражасини пасайтириш йўли билан тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантириш, монетизация коэффициентининг амалдаги даражасини сезиларли даражада ошириш зарур.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаларининг даражаси нисбатан юқори бўлиб, бунинг натижасида тижорат банкларининг кредит эмиссиясига нисбатан салбий таъсир юзага келмоқда. Мажбурий захира ажратмалари пул базасининг муҳим таркибий қисми бўлганлиги сабабли, республикада, пул базасининг тижорат банклари кредит эмиссиясига таъсири юқори бўлмоқда.

Фикримизча, пул базасининг тижорат банклари кредит эмиссиясига нисбатан салбий таъсирга барҳам бериш мақсадида тижорат банкларининг бир йилгача муддатга жалб қилинган сўмдаги ва хорижий валютадаги муддатли депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира талабномаларини инфляциянинг жорий йиллик даражасидан ошмаган ставкада белгилаш зарур. Бунинг натижасида талаб қилиб олинган депозит счётларидаги ҳамда юридик шахсларнинг жамғарма депозит счётларидаги пул маблағлари камайиб, уларнинг ҳисобига муддатли депозит счётидаги маблағлар кескин кўпаяди. Бу эса, ўз навбатида, республикада тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тижорат банкларининг талаб қилиб олинадиган депозит счётларидаги пул маблағларининг камайиши хорижий валюталарга бўлган талабнинг камайишига олиб келади. Бунинг натижасида миллий валютанинг барқарорлик даражаси ошади.

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, республикада монетизация коэффициентининг амалдаги даражаси паст. Масалан, 2009 йилнинг якуни бўйича республикада монетизация коэффициенти 20,0 фоизни ташкил қилди. Халқаро Валюта фонди экспертларининг фикрига кўра, монетизация коэффициенти камида 30-33 фоизни ташкил этиши зарур. Акс ҳолда, мамлакатда тўловсизлик муаммоси юзага келади.

Тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш орқали монетизация коэффициентининг даражасини ошириш мумкин. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик ҳажмини сезиларли даражада қисқартириш мумкин.

6. Тижорат банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг кредит эмиссияси миқдорини ошириш зарур.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари шуни кўрсатдики, республикада йирик тижорат банкларининг ресурс базаси заиф. Ушбу муаммо талаб қилиб олинадиган депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғининг 50 фоиздан юқори эканлигидад яққол намоён бўлади.

Тижорат банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида, улар томонидан бир йилдан ортиқ муддатга чиқарилаётган облигацияларнинг эмиссия ҳажмини ошириш ва инвесторларнинг мазкур облигациялардан оладиган даромадларини фойда (даромад) солиғидан озод қилиш лозим. Облигацияларни фойда солиғидан озод қилиниши уларнинг инвестицион жозибадорлигини оширади. Бу эса, ўз навбатида, уларга бўлган талабнинг ошишига олиб келади.

Тижорат банкнинг облигацияларига тўланадиган фоизларнинг даражаси инфляция суръатидан ва миллий валютанинг қадрсизланиш даражасидан юқори бўлиши лозим. Агар ушбу шарт бажарилмаса, у ҳолда, банклар облигацияларининг инвестицион жозибадорлиги пасайиб кетади. Мазкур шартнинг бажарилиши Ўзбекистон Республикаси амалиёти учун долзарб ҳисобланади ва ушбу ҳолат қуйидаги сабабларнинг мавжудлиги билан изоҳланади:

– миллий валютанинг қадрсизланиш жараёнини давом этаётганлиги (2009 йилда сўмнинг қадрсизланиш суръати 8,5 фоизни ташкил қилди);

– инфляциянинг сезиларли даражада эканлиги (2009 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 7,4 фоизни ташкил этди).

7. Марказий банкнинг Репо операциялари ҳажмини ошириш йўли билан тижорат банкларининг ликвидлилигига ва кредит эмиссияси даражасига таъсирини кучайтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йилдан буён профицит билан бажарилаётганлиги Марказий банкнинг Репо операциялари ҳажмини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки очик бозор операцияларининг объектлари сифатида фақат ҳукуматнинг қимматли қоғозларини тан олади.

Фикримизча, корпоратив қимматли қоғозлар, тижорат банкларининг облигациялари ва депозит сертификатлари ҳам Марказий банкнинг очик бозор операциялари объектлари рўйхатига киритилиши лозим.

2008 йилда юз берган жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози тараққиё этган мамлакатларда Марказий банкларнинг очик бозор операциялари объектлари сонининг ошишига олиб келди.

Жаҳон молия инқирози туфайли Марказий банклар томонидан тижорат банкларига қимматли қоғозларини гаровга олиш йўли билан бериладиган кредитлар ҳажмини ошириш зарурияти юзага келди. Шунинг учун ЕМБ айрим корпорацияларнинг акцияларини ва ипотека қимматли қоғозларини марказлашган ломбард кредитлари учун гаров сифатида қабул қилишини

эълон қилди. Натижада 2008 йилда 8 мингта банк ЕМБдан қимматли қоғозларни гаровга қўйиб кредит олиш имконига эга бўлди⁸.

АҚШ ФЗТ ва ЕМБ дан фарқли равишда Англия Марказий банки жаҳон молия инқирозининг дастлабки пайтларида марказлашган кредитлар ҳажмини оширмади, лекин 2007 йилнинг сентябр ойдан бошлаб, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ҳамда компаниялар ва банкларнинг облигациялари ҳамда ипотека облигацияларини гаровга олиш йўли билан тижорат банкларига қайта молиялаш кредитлари бера бошладилар.

8. Тижорат банки кредитларининг фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш ва суғурта қоплаш суммаларини ўз вақтида ундирилишига эришиш йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитларнинг қайтарилиш даражасини ошириш лозим.

9. Кредит бериш жараёнида мижознинг молиявий ҳисоботларини бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига мос келишини аудиторлик хулосаси билан биргаликда уларнинг ўзаро боғлиқлигини текшириш лозим. Чунки айрим ҳолатларда аудиторлик хулосалари ҳақиқий ҳолатни акс эттирмайди. Шу сабабли бухгалтер ёки кредит инспектори танлаб айрим кўрсаткичларнинг тўғрилигини, бухгалтерия баланси, капиталнинг шаклланиши, дебитор ва кредиторларни текшириши керак.

10. Гаровга қўйилган мулкларни қийматини қадрсизланиши масаласи ҳам муҳим бўлиб, уларни хар йили қайта баҳоланишининг тўғрилигини, шу мулкларни баҳоловчи-экспертлар томонидан берилган хулосаларга мос келишини назорат қилиш лозим. Бунда қайта баҳолаш қайси усулда амалга оширилганлиги ва унинг тўғрилигини назорат қилиш керак. Бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилган қиймат баҳоловчи-эксперт томонидан берилган хулоса билан таққосланади.

IV. БОБ. ОАТИБ «Ипак йули» Умар минтакавий филиалида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини холати ва самарадорлигини ташкил этиш йуллар

4.1. ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсатмалари ва буйруқлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (1992 ил 8 декабр):

Олий Мажлисининг ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради (78-модда).

Маҳаллий ҳокимият органларнинг Конституциямиз томонидан белгиланган вазифалари қаторига жумладан қуйидагилар киради:

- қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботини ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;

- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимлар белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳосил қилиш;

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш (100-модда).

Конституцияда энг аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўрсатилган бўлса, шу билан бир қаторда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ҳам ҳимояланиш асоси берилган.

Конституциянинг IX боби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоясига қаратилган. 36-моддада «Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган

тартибда меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, одилона шароитларда меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» дейилган ва унинг давомида «Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан (ҳарбий хизмат чоғида, фавқулодда ҳолат шароитида ва ҳ.к.) ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади» дейилган.

Конституциянинг 37-моддасида «Барча ёлланиб ишлаётган фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади» деб, фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлайди. 38-моддада «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга, худди шунингдек пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас» деб фуқароларимизнинг ҳаёт хавфсизлиги таъминланган.

39-моддада «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» деб тиббиёт хизмати ҳеч бир чекланишларсиз, турли-туман тиббиёт хизмати корхоналари ташкил этилиши ва жумладан малакали тиббиёт ходимлари ўз шахсий даволаш муассасаларига эга бўлиши, даволаш соҳасида рақобат вужудга келиши билан Республикамизда яшовчилар малакали тиббиёт хизматидан фойдаланиш имконияти таъминланди.

Юртимизда фуқаро меҳнати муҳофазасини Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонуни (1993 й. 6 май), Меҳнат Кодекси (1995 йил 21 декабр, №161-1), «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низом» (Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 июн, 286-қарор) ва турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асосида ҳуқуқий асоси яратилган.

Ўзбекистон Республикиси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун жами 5 бўлим, 29 моддадан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш усуллари,

мулк шаклидан қатъий назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишининг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиги ва меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

Қонуннинг биринчи умумий қоидалар бўлимида (жами 7 модда): Меҳнатни муҳофаза қилиш – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат дейилган (2-модда).

Меҳнатни назорат қилишнинг давлат назорат ташкилотлари ва жамоат назорати.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда): Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

Давлат структурасидаги барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Саноат корхоналарида меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Хаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддаси ушбун тасдиқлаб, унда қуйидагича кўрсатилган:

Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан, шунингдек мулк шаклидан қатъий назар жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Мехнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан алоҳида қайд билан ажратиладиган бюджет маблағлари (Республика ва маҳаллий) бошқарув ҳамда назорат идораларини сақлаш, илмий-тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш, мехнатни муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини бажариш учун фойдаланилади.

Ҳар бир корхона мехнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратади. Корхоналарнинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча чиқим қилмайдилар.

Корхоналар ўзининг хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятдан келадиган фойда (даромад), шунингдек бошқа манбаълар ҳисобида мехнатни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 1 май Қонуни таҳририда. – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. 5-6 сон, 102-модда).

Мехнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларга ишлатиш мумкин эмас.

Фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерация Кенгаши иштирокида белгиланади.

Мехнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришда корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унда (12-модда) корхоналар фойдасининг мехнатни муҳофаза этишга оид адабиётлар, плакатлар, бошқа тарғибот воситаларини нашр этиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига, шунингдек, илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ташкилотлари фойдасининг жамоани ва ишловчиларни яқка тартибда ҳимоялаш воситаларнинг янгиликларини яратиш, ишлаб чиқариш ва мавжуд воситаларни сотиш ҳисобига бўлган қисмига имтиёзли солиқ солинади.

Қонуннинг 216-моддасида: Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилган маблағларнинг ажратилиши, уни сарфлаш, фойдаланиш ҳақида айтилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун белгиланган тартибда маблағлар ва зарур материаллар ажратилади. Бу маблағ ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаш ман этилади. Мазкур маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Меҳнат жамоалари, уларнинг вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан фойдаланилишини текшириб борадилар.

Меҳнатни муҳофазалашда иш жараёнида турли хил захарланишни олдини олиш, даволаш ишлари бўйича ҳам меъерий ёрдам кўрсатилган.

Қонуннинг 217-моддасида: Ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш келтирилган.

Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган меъерлар бўйича:

- сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);
- даволаш профилактика озиқ-овқат;
- газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);
- махсус кийим бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена

воситалари билан бепул таъминланадилар.

Бундай ишларни рўйхати, бериладиган нарсаларнинг нормалари таъминот тартиби ва шартлари жамоа шартномаларида, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Меҳнат хавфсизлиги тадбирларини яратиш ва уларнинг ижтимоий иқтисодий самарадорлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигида меҳнат муҳофазаси, қонунда кўрсатилганидек:

- меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси, социал-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олар экан, демак барча жабҳаларда фуқароларнинг меҳнат қилиш шароити талаб даражасида яратилиши лозим.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг методологик асосининг яна бир томони, бу меҳнат шароитини, технологик жараённи, ажралиб чиқадиган захарли моддаларни ва фойдаланиш вақтида пайдо бўладиган хавфли вазиятларни мунтазам равишда илмий таҳлил қилиб боришдир. Чунки, фақат таҳлил асосида ишлаб чиқаришдаги хавфли жойлар, содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар аниқланади, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилади. Бу масалаларнинг барчаси ўзаро боғланган, келажак режаларни ҳисобга олган ҳолда кўрилиб борилиши лозим.

Ишлаб чиқаришда, ташкилотларда ҳар бир раҳбар ва муҳандиснинг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиш, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бу борада, ялпи сафарбарлик билан ташкилотларда меҳнат хавфсизлигига доир барча қарор ва ҳужжатларни таҳлил қилиш, келгусида меҳнат хавфсизлиги даражасини кўтариш, иш юритишда техника хавфсизлиги машғулотларини ўтказиш, меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этиш, ўқув юртлари ўқитувчилари, талабалари, хизматчи ва ишчилари ўртасида шикастланишнинг олдини олиш ҳамда давлат стандарти

масалалари талабларига риоя этиш мақсадида «Меҳнатни муҳофаз қилиш тўғрисида» Қонуннинг қабул қилинганлиги мақсадга мувофиқ бўлиб, бу соҳадаги барча чора-тадбирлар айнан қонун асосида талаб этилади.

Агар биз «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни мазмун жиҳатидан кўриб чиқсак, унда унинг ўз таркибида жамоа шартномаси, меҳнат интизоми, аёллар ва болалар меҳнати, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа масалаларни мужассамлаштирилганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли бўлган омилларни бартараф қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария – гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора – тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги кўрсатиб ўтилган. Касбий зарарликлар мавжуд бўлган ҳудудларда меҳнат қиладиган ишчилар учун қисқартилган иш куни, кўшимча дам олиш кунлари жорий этилиши, зарарли иш жойларида ишлаганларга, яъни жуда иссиқ ҳароратли, совуқ, зах ва соғлиқ учун зарарли шароитда меҳнат қиладиганлар учун махсус устама ҳақ ҳамда ҳимоя кийимлари берилиши кўзда тутилади. Касбий касалликларнинг олдини олиш, ишчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларни ўрнатилган тартиби жорий этилган.

Корхоналарда ишчи ва хизматчилар ишининг хавфсизлик даражаси, шунингдек, хизмат малакаси ишчининг стажи, лавозимидан қатъий назар ишга қабул қилинганда белгиланган муддатларда техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан таништирилиши шарт. Йўриқлантирув икки: кириш ва иш жойидаги турлардан ташкил топади.

Кириш йўриқлантируви техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва тиббиёт хизмат ходимлари томонидан ўтказилади. Унда янги ишга кираётган ишчини мазкур корxonанинг ички тартиб-қоидалари, шу жараённинг ўзига хос зарарли хусусиятлари, техника хавфсизлиги меъёрларини бажариш мажбурияти, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва бахтсиз ҳодиса рўй берганда биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништирилади.

Иш жойидаги йўриқлантирув цех бошлиғи ёки навбатчи бошлиқ иштирокида уста ёки сардор томонидан ўтказилади. Бунда ишчи бажарадиган вазифаси, иш жойи техника хавфсизлиги йўриғи билан танишади. Йўриқлантирувдан ўтган ишчи 10 кун ичида тажрибали ишчи назоратида иш ўрганadi. Ишлаш билими комиссия томонидан қониқарли деб баҳоланган ишчи мустақил ишга қўйилади. Ўтказилган барча йўриқлантирув махсус журнал ва ишчининг шахсий варақасига ёзиб қўйилади.

Корхонадаги барча ишчилар учун олти ойда камида бир маротаба иш жойидаги йўриқлантирув қайтариб турилади. Технологик жараён ўзгарганда, корхонага янги машина ва агрегатлар ўрнатилганда, цехда захарланиш ва бахтсиз ҳодисалар туфайли шикастланувчилар кўпайса, унда режадан ташқари йўриқлантирув ўтказилади.

Ходимларни камол топтириш.

- Иш берувчи ходимларни қайта ўқитиш ва малакасини оширишга кўмаклашади.
- Меҳнат фаолиятидан ажралмаган ҳолда таълим муассасаларида таҳсил олаётган ходимлар учун ҳақ туланадиган қушимча таътиллар, қисқартирилган иш ҳафтаси ва бошқа имтииёзлар беради.
- Ходимланнинг маданий хордик чиқариши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишига шароит яратади.
- Ходимларга тиббий хизмат курсатишни яхшилади.

Тижорат банкларида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш.

Меҳнатни муҳофаза қилиш.

Иш берувчи:

- Меҳнат хавфсизлиги ва гигиена талабларига жавоб берувчи меҳнат шароитини яратади.

- Ҳар бир ходимни ўз лавозим мажбуриятларини бажариш учун зарур ташкилий – техника воситалари билан таъминлайди, шароит яратади.
- Касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда, меҳнат муҳофазаси сарфи учун маблағ сарфини аниқлайди, уни бажарилиши учун масъул мансабдор шахсларни белгилайди, меҳнат муҳофазаси бўйича келишувни ишлаб чиқади.
- Барча ходимларни Банк филиали ҳисобидан, ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтказди.

Хулоса

Тижорат банкларида меҳнатни муҳофаза қилишга ката эътибор қаратилади. Меҳнат кодексида айtilган барча шартлар тегишли ички норматив ҳужжатларда ўз аксини топган ҳамда банк амалиётига жорий қилинган.

Тижорат банклари ходимларини муҳофаза қилишда ёнгин ҳавфсизлигига ҳам катта эътибор қаратилган.

4.2. ОАИТБ «Ипак йули» Умар Минтакавий Филиалида ёнгинга қарши чора-тадбирлар

Ўзбекистон Республикасининг «Ёнгин ҳавфсизлигидаги тугрисидаги» Қонуннинг 3чи моддасига асосан ; Ёнгин – инсонлар ҳаёт ива соғлигига таҳдид солувчи, моддий бойликлар йук қилиб ташланиши билан бирга кечувчи назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёни.

Ёнгин назорати - ёнгин ҳавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирларқуриш мақсадида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолият;

Ёнгинлар профилактикаси – ёнгинлар келиб чиқиши ехтимолини истисно этишга ва уларнинг окибатларини камайтиришга каратилган огохлантириш чора тадбирлари мажмуи;

Ёнгин хавфсизлиги – одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол – мулкининг, шунингдек, атроф табиий мухитнинг ёнгилардан химояланганлиги холати;

Ёниш жараёни тўхташи учун оксидланиш-тикланиш экзотермик занжир реакцияси тузилиши керак. Бу реакцияда тўхташнинг физик ҳамда кимёвий усуллари қўлланилади. *Физик усуллари:* алангани ёнувчи модда юзасидан узиб ташлаш, ёнувчи модда юзаси ҳароратини алангаланиш ҳароратидан пасайтириш, оксидловчи модда (кислород) концентрациясини камайтириш (кўпинча ёнмайдиган газлар концентрациясини ошириш ҳисобига) ва ёнувчи модда билан оксидловчини бир-биридан ихоталаш. *Кимёвий усуллар:* ёниш реакциясини тормозлаш ҳисобига амалга оширилади.

Ўт ўчириш воситалари асосан уч турга бўлинади:

1) ёнишни тугатиш усули бўйича – совитувчи, аралаштирувчи ихоталовчи, ингибитирлаштирувчи;

2) электр ўтказувчанлиги бўйича – электр токини ўтказувчи (сув, буғ, кўпик), электр токини ўтказмайдиган (газлар, кукунли бирикмалар);


3) заҳарлилиги бўйича – заҳарли (фреон, бромэтил), кам заҳарли (карбонат ангидрид, азот), заҳарсиз (сув, кўпик, кукунли бирикмалар).

Сув ўтни ўчиришда энг кенг тарқалган моддадир. Ўзининг қуйидаги хусусиятлари туфайли ўтни ўчиришда энг афзал ҳисобланади. Иссиқлик сиғими катта, ёнаётган юзага тушганда унинг иссиқлигини ютиб олди. Юқори ҳароратли юзаларга тушган сув тезда буғланади. Буғланиш натижасида унинг ҳажми 1700 марта ортади ва вақтинча ёнаётган юзани қамраб олиб, ҳаводаги кислород миқдорини камайтиради. Сувнинг юзаларини ҳўллаш хусусияти ёнғиннинг тарқалмаслигида катта рол ўйнайди.

Унинг сирт таранглиги кичик (0,073 н/м) бўлганлиги учун ёнаётган моддаларнинг тирқиш ва тешикларига тезда кириб, уларни совитади.

ОАИТ «Ипак йули» банки «Умар» минтакавий филиалида ҳам хавфсизлик чоралари кўрилган бўлиб, эвакуация плани тузилган ва хавфсизлик хоналари ташкил этилган, у ерда ҳамма асбоб-ускуналар мавжуд.

ОАИТ «Ипак йули» банки «Умар» минтакавий филиалини эвакуация чизмаси.



ХУЛОСА

Малакавий битирув ишини бажариш жараёнида амалга оширилган таҳлилларнинг натижаларига асосланган ҳолда, ОАИТБ «Ипак йули» Умар минтакавий филиалида муаммоли кредитларни тартибга солишни такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларни ва таклифларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

1. 2004-2010 йиллар мобайнида республикамиз тижорат банклари кредит қуйилмалари мутлақ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилди ва у республикамиз банкларининг ресурс базаси ҳажмининг ошиб бораётганлиги билан изоҳланади. Аммо тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг ЯИМдаги салмоғини ушбу давр мобайнида пасайиши кузатилганлиги салбий ҳолат ҳисобланади ва иқтисодиётни банк кредитлари билан таъминлашда муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

2. 2006-2010 йиллар мобайнида республикамиз банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа муддатли кредитлар салмоғининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги ушбу давр мобайнида узоқ муддатли кредитлар салмоғининг ошиб борганлиги билан изоҳланади.

3. Кредитлар бўйича ҳосил қилинган захиралар кредит рискларининг амортизатори вазифасини бажарсада, банкнинг тўловга қобиллигига тўғрдан-тўғри хавф солади. Чунки кредитларнинг юқори рисклилиқ даражаси банкнинг ўз маблағларини маълум қисмини йўқотилишига олиб келиши мумкин.

1. Тижорат банкда муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш мақсадида:

– банк томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда бизнес-режалардаги кўрсаткичларнинг ишончли эканлигини текшириш ва уларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим;

–ўзини оқламаган лойиҳаларга берилган кредитларнинг гаров таъминотини сотишни тезлаштириш ва бошқа таъминот объектлари

реализацияси ижросини таъминлаш;

2. Тижорат банки ходимларининг кредит олувчиларнинг молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларининг ишончлилигини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш борасидаги билим ва малакаларини оширишни таъминлаш асосида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим.

3. Кредит ҳужжатларини тижорат банкининг Кредит қўмитасида кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш лозим.

4. Республикамиз тижорат банкларининг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларининг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

биринчидан, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик зарур; иккинчидан, кредитлар фоиз ставкаларининг кескин тебрашининг олдини олиш лозим; учинчидан, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

5. Тижорат банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг кредит эмиссияси миқдорини ошириш зарур.

6. Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш ва суғурта қоплаш суммаларини ўз вақтида ундирилишига эришиш йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитларнинг қайтарилиш даражасини ошириш.

7. Кредит бериш жараёнида мижознинг молиявий ҳисоботларини бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига мос келишини аудиторлик хулосаси билан биргаликда уларнинг ўзаро боғлиқлигини текшириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. «Банк сири тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.08.2003 й. № 530-Ш.
2. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 05.04.2002 й. № 360-Ш.
3. «Лизинг тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 14.04.1999 й. № 756-И.
4. «Инвестиция фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 24.12.1998 й. № 719-И.
5. «Чет эл инвестициялари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.04.1998 й. № 609-И.
6. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.04.1996 й.
7. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 21.12.1995 й. № 154-И.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4057.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

9. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

10. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

11. И.А.Каримов. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.

12. И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 2008. - 368 б.

13. И.А. Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -176 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

14. 18. «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2004 йил 23 апрель 197-сон.

15. «Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов ундириш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 7-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва маҳкамаларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

16. «Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар бераётган тижорат банклари томонидан даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом. 2007 йил 15 августдаги 174-сон.

17. «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депотентлаш тартиби тўғрисида»ги Низом 2004 йил 31 декабрь.

18. «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом 2004 йил 6 январь 1295-сон.

19. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига миллий ва хорижий валютада микро-кредитлар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг Қарори 2004 йил 16 ноябрь 903-б-сон.

Китоб ва туркум нашрлар

20. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002й. – 304 б.

21. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: дарслик. - Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. - 348б.

22. Беляков А.В. Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования. / Беляков А.В. - Москва: Издательская группа "БДЦ-пресс", 2003. - 256с.

23. Блутфилд Кристофер А. Как взять кредит в банке. / Кристофер А. Блутфилд. - Москва: ИНФРА-М, 1996. - 144с.

24. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. 2-е изд. Перераб. и доп. / О.И. Лаврушина. - Москва: КноРус, 2008. – 768 с.

Интернет сайтлар

25. <http://www.review.uz/>
26. <http://www.uba.uz/>
27. <http://www.cbu.uz/>
28. <http://www.gov.uz/>
29. <http://www.imf.org>

